# АОКАда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков иштирокида брифинг ўтказилди

COVID-19 коронавирусни ҳеч қандай аломатлар бўлмаган одамдан юқтириш мумкинми?Вирус асосан йўталганда ёки аксирганда нафас йўлларидан ажралиб чиққан томчилар орқали юқади. Касалликнинг эрта босқичларида кўп одамларда COVID-19 аломатлари жуда енгил намоён бўлади. Демак, ўзини тетик ҳис қилган, лекин қуруқ йўтал бўлган беморлардан инфекция юқиш хавфи мавжуд.
Коронавируснинг олдини олишда нималарни бажариш фойдасиз? Қуйидагилар COVID 19 қарши курашишда ёрдам бермайди:• тамаки маҳсулотларини чекиш;• бир неча қават ниқоб тақиш; • антибиотиклар қабул қилиш.
Коронавирус касаллигининг оддий гриппдан фарқи нимада? Коронавирус инфекциясининг грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликларидан энг биринчи фарқи бу касаллик қўзғатувчиси ҳар хил бўлиб, касалликларнинг яширин даврида, клиник белгиларида ва бошқаларда кузатиш мумкин.

2020-04-01 19:11:40